

слова **облако** надо считать фразеологически связанным, а соответствующие сочетания (облако грусти, облако задумчивости и т. п.) несвободными: ведь налицо избирательность лексической сочетаемости: нельзя сказать облако смеха, облако радости и т. п.

Что же касается сочетаемости как средства показа функционирования слова в речи, то здесь речь идет главным образом о соотносительности слова с той или иной ситуацией. Так, например, посредством сочетаемости можно охарактеризовать слово **ковёр** со стороны типичных ситуаций его употребления: ковроу свойственны состояния **висеть** и **лежать** прежде всего, а не какие-либо другие.

В условиях комплексного учебного словаря сочетаемость слова выполняет также и другие функции: она уточняет значения словообразовательно производных слов в той части словарной статьи, где приводятся словообразовательные связи заголовочного слова (см. производное прилагательное **ручной** от слова **рука**. 1. ручные часы. 2. ручная работа. 3. ручной зверь. 4. ручной тормоз и т. п.), она ограничивает сло-

ва-синонимы (см. в синонимическом ряду **дом-здание** сочетаемость здание театра, министерства, института и т. п. при невозможности дом театра, министерства, института и т. п.), на основании сочетаемости разграничиваются общеупотребительные и терминологические значения одного и того же слова (см. значения слова **угол**: угол в комнате, свободный угол, угол заставлен мебелью и т. п. и острый, прямой, тупой, смежный угол (матем.) и т. п.

Для совершенствования учебных комплексных словарей необходимо продумать еще многие вопросы: в какой мере надо применять в словарях частичное словообразовательное гнездование, с какой мерой «вместительности» характеризовать отдельные значения многозначных слов, в каком объеме представлять грамматическую характеристику слова, какие пути совершенствования лексикографической стилистики избрать, чтобы охарактеризовать стилистическую дифференциацию русской лексики в словаре, чтобы он не просто иллюстрировал сформулирование значения слов, но и способствовал повышению лингводидактической направленности словаря и т. п.

Литература

1. Алекторова Л. П. Принципы составления «Словаря русского языка для учащихся старших классов национальной школы» // Теоретические основы разработки словарей учебного типа. Сборник научных трудов. – М.: АПН СССР, НИИ СиМО, 1981. – С. 14.

2. Большая советская энциклопедия (1-е издание, 1926-1947; 2-е издание, 1949-1958; 3-е издание, 1969-1978).

3. Конечная В. П. О системности лексики. Вопросы языкознания. 1984. №1. – С. 26.

РЕЗЮМЕ. Мақолада мураккаб луғатларнинг, яъни рус тили луғатининг ўқув жараёнидаги аҳамияти ҳар томонлама тавсифланган. Шунингдек, рус тили луғати, луғатни ўргатишнинг самарали воситаси сифатидаги аҳамияти таъкидланган.

РЕЗЮМЕ. В статье всесторонне описывается значение сложных словарей, то есть словаря русского языка, в образовательном процессе. Также подчеркивается значение словаря русского языка как эффективного инструмента обучения лексике.

SUMMARY. The article comprehensively describes the importance of complex dictionaries, that is, the Russian language dictionary, in the educational process. Also, the importance of the Russian language dictionary as an effective tool for teaching vocabulary is emphasized.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Г.А.Курбониязов – филология фанлари доктори (DSc)

Ажинийёз номидаги Нукус давлат педагогик институти

Таянч сўзлар: истиклол, конституция, қонун, фармон, тил сиёсати, дастур, концепция, асосий йўналишлар.

Ключевые слова: независимость, конституция, закон, указ, языковая политика, программа, концепция, основные направления.

Key words: independence, constitution, law, decree, language policy, program, concept, main directions.

Фақат истиклолгина, мустақиллик шабадаларигина миллатларнинг, миллий тилларнинг эркин ривожланиши, ўз миллий кадриятларини эъозлашига имконият яратиб берди. Истиклол шарофати, демократик ва адолатли жамият, ҳуқуқий давлат сиёсати ва маънавияти тамойилларига асосланган ҳолда хозирги даврда Республика худудида тил сиёсати ва тиллар вазияти бутунлай ўзгарди, барча халқлар тилларининг эркин ривожланиши ва тенг ҳуқуқ асосида амал қилиши учун кенг истикболлар очилмоқда. Мустақиллик шарофати билан биз жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлдик. Ўзбек тили ўз Ватанида давлат тили мақомида мустаҳкам туриши учун у жаҳон тиллари ичидан муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз лозим. Бунинг учун, аввало давлат тили сиёсатини “қелажаги буюк давлат” нуктаи назаридан юксак даражада англаб етиш зарур.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Барча давлатлар каби Ўзбекистон ҳам давлат тили ҳисобланган ўзининг миллий тилини ривожлантириш, унинг нуфузини кўтариш учун доимо ҳаракат

қилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 4-моддасида баён қилинган. Шу билан бирга худудда яшаётган барча халқларнинг тилларини қамситмаслик, аксинча уларнинг ҳам тараққиётини таъминлаш масаласи ҳам ўша моддада акс этган [1].

Шунингдек, мазкур соҳага оид яна бир ҳужжат “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунидир. Унинг янги таҳрири 7-моддасида шундай дейилади: “Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди [2].”

Мазкур қарор қабул қилингандан бери ўтган 35 йил давомида бу соҳада кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармонлари ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди.

Биринчи фармон билан кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21

октябрь санасини «Ўзбек тили байрами кунини» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилди ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, «Ўзбек тили байрами кунини»ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш [3].

Мазкур Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига берилган топшириқлар асосида «Ўзбек тили байрами кунини» белгилаш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритди. Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ўттиз йил давомида белгиланган бўлса, 2019 йилдан бошлаб бу кунни бутун халқимиз байрам сифатида нишонлай бошлади. Буларнинг орасида катта ижтимоий-сиёсий фарқ бор, албатта.

Шунингдек, Фармонда кўрсатилган яна бир маасала – «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан такомиллаштирган ҳолда унинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тегишли тартибда қабул қилинди.

Кейинги йилларда, яъни глобаллашув даврида тилимизга жуда кўплаб янги сўз ва терминлар кириб келмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам адабий тилимиздан жой олмаяпти. Ана шундай илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилиш масаласи Вазирлар Маҳкамасига топширилди.

Давлат тили тараққиётига тегишли энг аҳамиятли ҳужжатлардан бири – саккизта йўналишни ўз ичига олган 2020 – 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатинини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури

лоийҳаларини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда тасдиққа киритиш топширилди [4].

Бу соҳадаги энг аҳамиятли ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони бўлди.

Мазкур Фармон билан қуйидаги асосий ҳужжатлар:

“а) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси;

б) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020 – 2022 йилларда амалга ошириш дастури;

в) 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари каби жуда катта аҳамиятга эга бўлган қонун ҳужжатлари тасдиқланди.

Асосий йўналишларнинг а) бандида таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш масаласига эътибор қаратилган бўлиб, дастлаб мактабгача таълим муассасаларидан бошланган. Уларда ўзбек тилининг ижтимоий хизмат доирасини кенгайтириш, ўзбек тилида тарбияланган гуруҳларни йилдан-йилга кўпайтириш вазифаси белгиланган.

Ўрта умумий таълим соҳасида ўзбек тилининг жаҳон андозалари асосида янги педагогик технологиялар асосида ўшларга таълим-тарбия бериш, уларга ҳафтасига ажратиладиган ўқув соатларини 2030 йилгача деярли тўртдан бир қисмга кўпайтириш вазифаси юклатилган.

Олий таълим соҳасида талабаларга ўзбек тилининг илмий асосларини пухта ўргатадиган кафедралар сонини ҳам 2030 йилгача шунчага кўпайтириш кўзда тутилган.

б) давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш соҳасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда нашр қилинаётган дарслик, ўқув қўлланмаларнинг деярли ҳаммаси лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида босиб чиқарилмоқда. Мазкур бандда «Ўзбекистон миллий комуси» жилдларини нашр этишни босқичма-босқич кўпайтириб бориш вазифаси ҳам кўзда тутилган.

Ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи 15 та лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш масласи ҳам кун тартибига қўйилган бўлиб, ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан тайёрланган икки жилдлик «Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати» проф. Н.Маҳмудов таҳрири остида 2022 йилда Ғафур Ғулом номидаги нарийёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди. Проф. Ш.Раҳматуллаев, Н.Маҳмудов, З.Холманова, И.Ўразова ва К.Рихсиевалар тоонидан «Ўзбек тили фразеологик луғати» тўлдирилиб, қайти тузилди ва 2022 йилда Ғафур Ғулом номидаги нарийёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди. Олдинги проф. Ш.Раҳматуллаев томонидан тузилиб, 1992 йилги фразеологик луғатда 3000 дан ортиқ фразема изоҳланган бўлса [5:380], янги луғатда 5198 фраземага изоҳ берилган [6:636]. Марҳум проф. Э.Бегматов, ф.ф.н., катта илмий ходим А.Мадвалиев, проф. Ё.Одиловлар томонидан тузилган 90 мингга яқин сўзни ўз ичига олган «Ўзбек тилининг катта имло луғати» проф. Н.Маҳмудов таҳрири остида 2023 йилда

“Кафолат принт компани” нашриёти томонидан чоп қилинди [7:648]. Проф. Х.Дадабоев, ф.ф.д. М.Абжалова, ф.ф.ф.д. У.Рашидовалар томонидан “Ўзбек тили синонимларининг ўқув лўғати” тузилиб, 2023 йилда “Bookmany print” нашриётида чоп қилинди [8:810]. Мазкур лўғатлар олий ўқув юрти талабалари, магистрантлар, докторантлар, олимлар, шунингдек, ўзбек тили билан қизиқувчи барча инсонлар учун жуда зарурий қўлланма бўлиб ҳисобланади. Бундай лўғатларнинг бошқа турларини ҳам тузиш Фармонда асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган.

Фармонда телерадиоканаллар суҳандон-бошловчиларининг ўзбек адабий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курсларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва 2030 йилгача барча ушбу соҳа вакилларининг малакасини ошириш белгиланган.

Фармоннинг в) бандида давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциялашувини таъминлаш мақсадида давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун дастурий маҳсулотлар ва электрон лўғатлар яратиш белгиланган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан “Ўзбек тилида иш юритиш” қўлланмаси ҳозирги кунгача 9 марта нашр қилинди. Шу марказнинг Қорақалпоғистон бўлими томонидан “Қорақалпоқ

тилида иш юритиш” қўлланмаси эса 4 марта қайта нашр қилинди.

Хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи дастурлар яратиш бандининг ижросини таъминлаш мақсадида докторант Г.Эргашева ва доцент С.Адилова ҳамда МУТУЛ жамоаси томонидан 2020 йилда “Ўзбеккона” (А 1 даража), яқинда ушбу қўлланманинг иккинчи қисми (А 2 даража) нашр қилинди. Келажакда бу каби қўлланмаларнинг бошқа турлари ҳам яратилса, хориждаги ўзбек тилини ўрганувчилар учун яхши имконият бўлади.

г) давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги вазифалар сифатида хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини, «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари сонини, ўзбек тили курсларини зарур илмий, ўқув-услубий, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ўзбек тилини ўргатишга доир илмий тадқиқотлар миқдорини ошириш» каби вазифалар белгиланган [9].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз раҳбарлари миллий кадриятимиз, энг бебаҳо бойлигимиз бўлган она тилимизнинг рағнақ топиши, халқаро нуфузининг ошиши, чет элларда ҳам эътироф қилиниши ва миллатлараро муомала воситаси бўлиши каби муҳим ижтимоий вазифаларни адо этишини таъминлаш мақсадида долзарб Фармон ва Қарорларни қабул қилмоқдалар. Биз бу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида таъминласак, бу мақсадларга албатта эришамиз, деб ўйлайман.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Lex. Uz.
2. “Давлат тили ҳақида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Янги таҳрирда. Lex. Uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Lex. Uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Lex. Uz.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лўғати. –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. –380 с.
6. Раҳматуллаев Ш., Маҳмудов Н., Холманова З., Ўразова И., Рихсиева К. Ўзбек тили фразеологик лўғати. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нарийёт-матбаа ижодий уйи, 2022. –636 с.
7. Ўзбек тилининг катта имло лўғати. Проф. Н.Маҳмудов таҳрири остида. –Тошкент: Кафолат принт компани, 2023. –648 с.
8. Дадабоев Х., Абжалова М., Рашидова У. Ўзбек тили синонимларининг ўқув лўғати. –Тошкент: Bookmany print, 2023. –810 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони. Lex.Uz.

РЕЗЮМЕ. Мақолада давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш, мамлакатимизда тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишланган Фармонларнинг ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется социальная значимость указов, посвященных мерам по развитию государственного языка, повышению его влияния, совершенствованию языковой политики в нашей стране.

SUMMARY. The article analyzes the social significance of the decrees dedicated to the development of the state language, increasing its influence, and measures to improve the language policy in our country.

АЖИНИЁЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ ТИЛИ

Г.Қарлибаева – филология фанлари доктори, профессор

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: сўз маъноси, кўп маънолик, полисемия, семантика, метафора, метонимия.

Ключевые слова: значение слова, полисемия, семантика, метафора, метонимия.

Key words: meanings of word, different meanings of words, polysemy, semantics, metaphor, metonymy.

Ҳар бир халқнинг ўзлигини англашга бўлган асрий интилишлари, миллат тафаккури ва онгида доимий давом этадиган миллий, маънавий, мафкуравий қайта тикланиш жараёнлари адабий меросга, халқ оғзаки ижоди, юксак маънавияти ва маданиятига, она тилининг шаклланиши ва такомилга янги нуктаи назардан ёндашишни тақозо этади. Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тилининг лингвопоэтик хусусиятлари ва ижодкорнинг лўғавий бирликлардан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини тадқиқ этиш асосида тил тараққиётини белгилайдиган етакчи тамойилларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо кадриятлари – тили, фольклори ва ёзма адабиётини яхлит бадиий тизим сифатида таҳлил

қилиш, ҳозирга қадар илмий муомалага олиб қирилмаган адабий манбаларни кенг оммалаштириш, миллий тилнинг шаклланиш тамойиллари ва тараққиётида ёзма адабиётнинг тутган ўрнини кўрсатиб беришнинг кенг имкониятларини очди. Сўнгги йигирма беш йил ичида қорақалпоқ тилшунослигида тил ва бадиий тафаккур масаласининг кун тартибига чиққанлиги ҳам миллий ўзликни англаш, маънавий кадриятларни тиклаш ва тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж натижасидир. Зеро, «улўғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни хайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими,